# ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 49 (3277).

8 март СЕШАНБА 1966 йил

Баҳоси 2 тийин

*Бугун 8 март—халқаро хотин-қизлар куни.*

Коммунизмнинг актив қурувчилари совет-хотин қизларига шон-шарафлар бўлсин!



## СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

### *Халқаро хотин-қизлар куни—8 март муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг мурожаати*

Қадрли хотин-қиз ўртоқлар, шонли меҳнаткаш хотин-қизлар, коммунизмнинг актив қурувчилари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан, демократия ва социализм учун, озодлик ва тенг ҳуқуқлилик, миллий мустақиллик учун, бутун дунёда тинчлик учун курашда жаҳон хотин-қизларининг жанговар бирдамлик байрами билан қизғин табриклайди.

Бу йил бизнинг мамлакатимизда Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март айниқса тантанали байрам қилинмоқда. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан совет хотин-қизларининг коммунистик қурилишдаги ва Ватанни ҳимоя қилишдаги буюк хизматларини нишонлаб, бу кун дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу байрам КПСС XXIII съезди арафасида нишонланмоқда. Янги беш йиллик план юзасидан съезд Директивалари лойиҳасининг умумхалк муҳокамаси мамлакатда авж олиб кетди. Янги беш йиллик план коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, меҳнаткашларининг фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим босқич бўлади.

Совет хотин-қизлари ўзларининг ватанпарварлик ишлари ва фидокорликлари билан бутун халқимизнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлдилар. Улар эркаклар билан бирга Советлар ҳокимияти учун жонбозлик қилиб курашдилар, Улуғ Ватан уруши йилларида пролетар революцияси ғалабаларини қаҳрамонона ҳимоя қилдилар, Ватанни социалистик негизда ўзгартиришга улкан ҳисса қўшдилар.

Коммунистик партия томонидан марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбияланган ишчи ва колхозчи аёллар, инженер ва техник, врач ва ўқитувчи, фан, адабиёт ва санъат арбоблари бўлган аёллар — барча совет хотин-қизлари ўзларининг бутун куч ва билимларини мамлакатимизда коммунизм ғалабасининг буюк ишига сарф қилмоқдалар.

Советлар мамлакати инсоният тарихида биринчи бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларни таъминлаб берди, ўз талантлари ва қобилиятларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар бериб қўйди. Совет хотин-қизлари мамлакат халқ хўжалигида, давлатни идора қилишда кўзга кўринарли ўринни эгаллаб турибдилар, улар мактаблар, фабрикалар, заводлар, колхозлар, совхозлар, институтлар, медицина ва маиший муассасаларга муваффақиятли раҳбарлик қилмоқдалар. Минг-минглаб хотин-қизлар давлат ҳокимиятининг олий органларига — СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайланганлар.

Совет хотин-қизларининг Ватан олдидаги хизматларини партия, ҳукумат, халқ муносиб баҳолади: бир миллиондан ортиқ хотин-қиз ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди, минглаб хотин-қизлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидир.

Бизнинг мамлакатимизда оналар умумхалқ илтифоти, меҳр-муҳаббати ва меҳрибонлиги билан эъзозланмоқда. Ўн мингларча совет хотин-қизлари ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги олижаноб меҳнати учун «Қаҳрамон она» фахрий унвонига сазовор бўлди, миллионлаб аёллар «Оналик шуҳрати» ордени ва «Оналик медали» билан мукофотландилар.

Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилишни, билимларини ошириш, маданий ҳордиқ чиқариш учун уларга барча зарур имкониятларни яратиб беришни, оилани мустаҳкамлашда, болаларни тарбиялашда ёрдам беришни Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ўзларининг бурчлари деб ҳисоблайдилар. Янги беш йилликда мактабгача болалар муассасалари анча кўпайтирилади, уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилади, хотин-қизларнинг рўзғор ишларини енгиллаштирувчи аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳажми анча кўпайтирилади.

Бутун ер юзидаги меҳнаткаш хотин-қизлар сингари совет хотин-қизлари, уларнинг қардош социалистик мамлакатлардаги дугоналари ялпи тинчлик муддаолари билан бирлашиб турибдилар. Хотин-қизлар Америка империализмининг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий интервенциясини ва унинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни талаб қилмоқдалар, Ғарбий Германия реваншчиларининг ядро қуроли билан таъминланишига қатъиян қарши чиқмоқдалар. Совет хотин-қизлари тинчликни мустаҳкамлаш учун, халқларининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинг ҳамиша биринчи сафларида бўлиб келдилар ва ҳозир ҳам биринчи сафларда бормоқдалар.

Совет хотин-қизлари партиямиз билан ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, мамлакатимизнинг содиқ қизлари бўлган сизлар социалистик Ватанни янада мустаҳкамлаш учун, коммунистик идеалларнинг ғалабаси учун ўзингизнинг куч-қувватингиз, билимингиз ва ижодий ғайратингизни бундан буён ҳам аямай сарфлайверасиз.

Азиз хотин-қиз ўртоқлар! Оналаримиз, опа-сингилларимиз, дўстларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларнинг барча ишларингиз ва эзгу ташаббусларингизда сизларга чин кўнгилдан кўпдан-кўп муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, хушчақчақлик ва роҳат-фароғат тилайди.

Совет хотин-қизларига шон ва шарафлар бўлсин!
Яшасин бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизлар!
Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон пахтакорларининг қурултойи 7 мартда ўз ишини давом эттирди. Қурултой қатнашчилари ўтган йил якунлари ва беш йилликнинг биринчи йилида республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари олдида турган вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Н. М. Матчонов** докладини муҳокама қилдилар.

Доклад юзасидан музокараларда Бухоро область ижроия комитетининг раиси **Н. Бозоров**, республика «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси **И. В. Бабков** Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз раиси **А. Хусанов** Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги «Намуна» колхози комплекс механизациялашган звеносининг бошлиғи **С. Нурмаханова**, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри **С. Мамарасулов**, Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг раиси **К. Рустамова**, Сурхондарё область партия комитетининг секретари **Р. Эргашев**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институти лабораториясининг мудири **Р. Раҳмонов**, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Чорвачилик институти «Красний водопад» тажриба базасининг сут соғувчиси **А. И. Чудная**, Р. Р. Шредер номли Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг директори **М. Мирзоев** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Қурултой қатнашчилари Россия Федерациясидаги Иваново область делегациясининг бошлиғи, Иваново область партия комитетининг секретари **Д. П. Колчин** нутқини самимий кутиб олдилар.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг 1966 йилги социалистик мажбуриятини маъқулладилар. Бу мажбуриятда пахтачиликдаги янги марралар белгилаб берилган. Республика деҳқонлари беш йилликнинг биринчи йилида 3.750 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотишга, 1.175 минг тонна пахтани машинада териб олишга сўз бердилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан ҳам юксак мажбуриятлар олинди.

Ўзбекистон пахтакорларининг қурултойи ўз ишини тамомлади. (ЎзТАГ).

## ЎРТА ОСИЁДА ЭНГ ЙИРИК ГЎШТ КОМБИНАТИ

Тошкент яқинида қурила бошлаган Ўрта Осиёда энг йирик гўшт комбинати лойиҳага кўра ҳар сменада юз тонна гўшт ва ўттиз беш тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган бўлади.

Лойиҳаси москвалик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган Тошкент гўшт комбинати йигирма тўрт гектар ерни эгаллайди. Унинг темир-бетондан қуриладиган корпусларида молларни сўядиган ва дастлабки ишлайдиган, колбаса маҳсулотлари, елим ва қуруқ оқсил озиқлари ишлаб чиқарадиган заводлар жойлашади. Ҳар сменада 125 минг порция маҳсулот тайёрлайдиган гўшт ва кулинария ярим фабрикатлари цехи ҳамда олти минг тонна маҳсулот сиғадиган жуда катта музхона қуриш кўзда тутилади. Кейинчалик бу совутиш фабрикасининг сиғими қарийб икки баравар оширилади. (ЎзТАГ).

## ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

**Тошкентдаги резина-техника буюмлари заводи коллективи КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, янги йилнинг дастлабки кварталини барвақт якунлаш ва планга қўшимча равишда 4300 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда.**

**Ҳозир корхона цехларида зиммага олинган мажбурият муваффақиятли бажарилмоқда. М. Бекназаров, Р. Сойибназаров, Т. Саидов каби пешқадам ишчилар смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан адо этишяпти. Улар ғайрати билан ойлик топшириқлар муваффақиятли якунланиб, пландан ташқари 1200 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

**Қ. СОБИРОВ.**




## ТЕХНИКА—ҚИШЛОҚҚА

Қўйлиқдаги ремонт-механика заводи коллективи республикамиз деҳқонларининг кўмакдоши ҳисобланади, ҳақиқатан ҳам. Корхона цехларида пахтакорлар оғирини енгил қилаётган турли-туман қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмлари ремонт қилинмоқда, уларга кўплаб эҳтиёт қисмлар тайёрланаётир.

Шу кунларда партия XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган ремонтчилар зафар кетидан зафар қучишмоқда. Январь ойи топшириғини муддатидан илгари адо этишди.

Завод азаматлари шу йилнинг биринчи квартали топшириғини муддатидан анча илгари адо этиш, йил охиригача 130 минг киловатт-соат электр қувватини тежашга бел боғлади.

**И. РУСТАМОВ.**

## ЧОРВАДОРЛАР ТОРТИҒИ

**Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг чорвадорлари съездолди вахтасида туриб, ишлаб чиқаришда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Молбоқарлар ва сут соғувчилар маҳсулот етиштиришни кўпайтираётирлар. Чорвадорлар қисқа вақт ичида 400 ўрнига 466 центнер гўшт, 1.020 ўрнига 1.052 центнер сут топшириб биринчи квартал планини муддатидан олдин ошириб бажардилар.**

**Колхозчиларнинг ҳалол меҳнат қилишлари туфайли ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чорва маҳсулотлари етиштириш қарийб уч баравар кўпайди.**

**Н. АҲРОРОВ.**

